



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 27 октябрь, № 209 (4872)

Сешанба

## ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР — ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КЎРКИ


**Мамлакатимизда Истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, йилдан-йилга гўзаллашиб бораётир.**



Энг муҳими, унинг ҳудудлар иқлим шароити ва удуларимиздан келиб чиққан ҳолда қурилаётгани айни мудида бўлаётир. Андижон туманидаги Оқёр қиш-  
логида шундай қўлайликларга эга 57 та уй-жой қад ростламоқда. Мазкур биноларнинг барчаси икки қаватли бўлиб, 6 хонадан иборат. Қурилиш жараёнида эса Улуғнор  
туманидаги "Ҳамро ҳамжихат келажак" фирмаси жамоаси фаол иштирок этмоқда. Ушбу фирманинг 80 нафар қурувчиси шу кунларда 8 та уй-жойни ўз эгаларига  
топириш ниятида қизгин меҳнат қилмоқдалар.  
**СУРАТДА:** қурилиш жараёнидан лавҳа.  
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция қоидаларининг мамлакатимизда ижро этилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.




## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Сенатнинг Ташқи сийбас масалалари ҳамда Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари биргаликда ташкил этган мазкур анжуманда парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.  
Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция 1973 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг 58-сессиясида қабул қилинган бўлиб, унда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ўсмирларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан барқарор бўлиб вояга етишига мос келадиган даражада белгилашни кўзда тутилган. Мазкур ҳужжат 2008 йилда мамлакатимиз парламенти томонидан ратификация қилинган.

(Давоми 2-бетда).

## КОНВЕНЦИЯ ИЖРОСИГА БАФИШЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.



У Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Халқаро Конвенциянинг (Париж, 1961 йил 2 декабрь) Тошкент вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунларига бағишланди.

Йиғилишни қўмита раиси М. Тешабоев кириш сўзи билан очиб, ушбу халқаро ҳужжатнинг назорат-таҳлил билан қабул қилинган Давлат дастурининг ижросини таъминлаш ҳамда Конвенцияда кўрсатилган ҳуқуқий меъёрларни миллий қўнчилигимизга уйғунлаштириш, бу соҳадаги фаолиятнинг янада самарали бўлишига эътибор қаратишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ушбу ҳужжат мамлакатимизда ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилаётган мутахассислар, селекциячи олимларнинг

ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Конвенциянинг ҳар бир моддасида белгиланган талаблар ижроси ўсимликнинг янги навларини яратган селекциячининг ёки унинг ваколатли вақилининг ҳуқуқларини тан олишни кўзда тутди.

Йиғин иштирокчилари масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратишар экан, мамлакатимизда ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш долзарб масала эканлигини, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида бу борада изчил ишловлар олиб борилаётганини қайд этди. Хусусан, ҳозирда давлат реестрида 56 та селекция ютуғи рўйхатга олинган бўлиб, улардан 51 таси ўсимликлар навларига тегишлидир. Шу билан бирга, юртимизда ўсимлик навларига берилган 48 та патент амал қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Ислоҳот

Айниқса, кейинги йилларда республикамиз аҳолисининг кўпчилиги истиқомат қилувчи қишлоқларимизни обод қилиш масаласи давлат сийбаси даражасига кўтарилгани, жорий йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилингани бу борада ўз самарасини бермоқда. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз ривожига тугган ўрни беқиёс бўлган қишлоқ ахлининг турмуш тарзини, шунингдек, қишлоқларда барпо этиладиган уй-жойларни замонавий мезонларга мослаштириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилиши ҳақида гап кетганда, аввало, шу йилнинг сентябрь ойида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида бир ҳафта давомида бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Негаки, ушбу муҳим тадбир туфайли қишлоқ аҳолиси учун замонавий уй-жойлар қурилишида янги босқич бошланди.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Инновация — 2009" аънавий XIV халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

## Илмий салоҳият намойиши

Мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш жараёнини жадаллаштириш борасида сановатчилар, олимлар, тадбиркорлар ҳаракатининг интеграллашувига хизмат қилувчи ушбу анжуман доирасида бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Илмий-амалий ва таълимий йўналишлар бўйича саккизта инновацион лойиҳа кўриб чиқилиб, олимларимиз олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Эътироф этиш керакки, инновация — XXI асрда давлатларнинг энг муҳим стратегик ресурсларидан бири ҳисобланади. Бу давлатимиз раҳбарининг "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги

(Давоми 2-бетда).

## «KAIZEN» — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Кеча Тошкентда "Kaizen": кириш курси мавзусида икки кунлик семинар иш бошланди. У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Германия Техникавий ҳамкорлик жамияти (GTZ)нинг "Марказий Осийда ҳудудий иқтисодий ҳамкорлик лойиҳаси" доирасида ташкил этилди.

Бундан кўндаланган асосий мақсад мамлакатимиз тадбиркорларини бошқарувининг замонавий ва самарали усули ҳисобланган "Kaizen" тизими билан яқиндан таништиришдир.

Таъкидлаш керакки, Япония менежменти фалсафаси маъсули — "Kaizen" усули Иккинчи жаҳон урушидан кейин кунчиқар юрт иқтисодий ўнгиланишини таъминлашдан сўнг халқаро ҳамжамиятда эътибор қозонди. Бу усулни жорий этган

хориж компанияларининг муваффақияти эса унинг шухратини янада ошириб юборди. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида кенг қўлланилаётган "Kaizen" бошқарув тизими, айниқса, харажатларни камайтириш ҳамда самарадорликни ошириш жиҳатлари билан ажралаб туради.

"Kaizen" атамаси японча "яқшилаш" маъносини англатади. Яъни, у бизнес ва бошқарув маданиятини улғусиз ҳамда жадал тақомиллаштириб боришни назарда tutadi. Мутахассисларнинг айтишича, бундай изчил ривожланишга ходимларнинг фаол иштироки эвазига эришилади. Шу маънода, "Kaizen" фақат "яқши ижро этиш" деган тор маънони англатмайди, балки вақт, сармола, материал ва ҳаракатлар талафотини бартараф этиш, махсулотлар ҳамда хизматлар сифатини яқшилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш ва истеъмолчилар эҳтиёжини тўлиқ таъминлашни муважжасан этган усулдир. Бу уни барча жойда қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

## ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Мамлакатимизда 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни кенг нишонланди.

Юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги ва мустақамлиги иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор. 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни юртимизда кенг нишонлангани ушбу масъулиятли касб соҳибларига бўлган эътиборнинг ёрқин намунаси.

Мазкур сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини мустақамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади. Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини мустақамлашнинг муҳим бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширила-

ётгани ўз самараларини бермоқда.

Ички ишлар идораларининг барча тузилмалари сифат жиҳатдан бутунлай янги қаватга кўтарилиб, шунингдек, ёнги хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштирилди.

Айни пайтда миллия ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги янада мустақамланди, содир этилаётган жиноятларга қарши тезкор кураш олиб бориш имкониятлари ортмоқда. Бунда соҳанинг моддий-техник базаси мустақамланаётгани ва юксак малакали, профессионал кадрларни тайёрлаш ва ишга жалб этишининг

ўзига хос тизими жорий этилгани муҳим ўрин тутаетир.

Бу борадаги ишлар самарадорлиги ошаётгани, муҳими, ички ишлар идоралари ходимларининг элу юртимизнинг осойишталигини таъминлашда ишончли посбонга айланаётгани давлатимиз раҳбарининг соҳага бўлган алоҳида эътибори туфайлидир. Президентимизнинг шу йил 23 октябрда "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларини муқофотлаш тўғрисида"ги Фармони бунинг яна бир тасдиғидир.

Фармонга мувофиқ, халқимиз осойишталигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган

(Давоми 2-бетда).

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида Ўзбекистон Республикаси кўпчилиги овоз билан 2009-2013 йилларга ушбу халқаро ташкилот Ижроия кенгашининг аъзоси этиб сайланди.

31 аъзо мамлакатнинг номзоди қўйилган сайлов жараёни якунида Ўзбекистон билан бирга Словакия, Руминия, Польша, Латвия ва Беларусь мазкур нуфузли кенгаш сафидан жой олди. Улар Ижроия кенгашдаги 27 давлат ёнига қўшилиди.

ЮНЕСКО Ижроия кенгаши ташкилотнинг асосий ижро органларидан бири бўлиб, Бош конференцияда қабул қилинадиган дастурларнинг ижросига оид масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистоннинг унга аъзо этиб сайланиши мамлакатимизнинг илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ютуқлари, халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги сый-ҳаракатлари ҳамда илмий меросимиз, миллий-маданий қадриятларимизнинг яна бир

жаҳоншумул эътирофидир. Айни пайтда ушбу кенгашга аъзолик Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОда ва умуман дунёдаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон цивилизация бе-виликларидан биридир. Мовароун-наҳр худуди йирик илмий кашфиётлар, ёзма ва оғзаки ижодда шох асарлар яратган шоир эъзу-чилар, олим фузалоларнинг, дондор саркарда ва баҳодирларнинг ватанидир. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабзнинг қадимий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиб, халқаро муҳофазага олинган. Бойсуи фольклори ва Шашмақом инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дур-

доналари деб эълон қилинди. Ҳақимомда сақланаётган Усмон Куръони ва Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тўпланган нодир қўлёзмалар «Жаҳон хотираси» рўйхатига киритилди.

Ўзбекистоннинг Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сийбасида, халқимизнинг бугунги ижтимоий-сийсий ҳаёти ва кундалик турмушида ҳам авлодларнинг аждодлар руҳи ва хотирасига юксак ҳурмати муважжасандир. Юксак умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва тарғиб этиш, илмий ва маданий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва ўрганиш,

миллатлараро ва динлараро дўстлик ва тотувлиқни таъминлаш, шу билан бирга, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш каби гуманитар соҳаларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги улкан хизматлари учун мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг икки олий нишони — Абу Али ибн Сино номидаги ҳамда «Боробур» олтин медаллари билан тақдирланган.

Ўзбекистонда ташкил қилинадиган аксарият йирик юбилей тадбирлари ва халқаро илмий-маданий анжуманларни ЮНЕСКО иштирокида ўтказиш яхши аънамага айлангани ҳам халқимизнинг бунёдкорлигига, аждодларимизнинг буюк истеъдод ва

(Давоми 2-бетда).

### Яхши хабар

ФАРФОНА. Учкўприк туманида бир йўлга иккита мухташам коллеж қурилиб, фойдаланишга топширилди.

## Учкўприкда янги коллежлар

Суянчиқ қишлоғида барпо этилган замонавий илм даргоҳи 825 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ёшлар агросаноат ва сервис хизмати кўрсатиш йўналишлари бўйича таълим олади. Ушбу таълим даргоҳини қуриш учун 3 миллиард 77 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бекобод қишлоғидаги 615 ўринли транспорт ва қурилиш коллежи ҳам яқинда ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Н. СОВИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# МАМЛАКАТИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИ ВА ФАОЛЛИК

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ҳамда мавқеини ошириш мақсадида изчил иш-хотлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, мамлакатимизда кўп партиявийлик тизими вужудга келди ва такомиллашмоқда.

Зеро, Конституциямизнинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафурлар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, дея қайд этилган. 1994, 1999, 2004 йилларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлган сайловлар кўп партиявийлик асосида ўтказилгани ҳам бунинг амалдаги тасдиқидир.



Конунчи ҳамда миллий сайлов конун ҳужжатлари асосида амалга оширилган йўналишлар (шу жумладан, конституциявий конуннинг партия ҳаётидаги зарурияти ва аҳамияти; конституциявий конун қабул қилиниши муносабати билан амалга оширилган тадбирлар; партия фракцияларининг парламентдаги фаолияти; партия гуруҳларининг халқ депутатлари Кенгашидаги фаолияти; конституциявий конунни амалда қўллаш билан боғлиқ партия олдидаги вазифалар ва фикр-мулоҳазалар; сайлов қонунчилигида белгиланган қоида-таалаблар асосида партиянинг сайловга тайёргарлик қилиши билан боғлиқ фаолияти (кабилар) акс этган тахлилий мақолалар мавжуд. Улар мамлакатимиз сиёсий партиялари фаолияти ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишга ёрдам беради.

Амалий қўлланманинг «Сиёсий партиялар фаолияти» тартибга солишга оид конун ҳужжатлари тизими» деб номланган IV бўлимида сиёсий партиялар фаолияти тартибга солишга оид конун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партияларнинг сайловларда иштирокига оид конун ҳужжатларидан кўчирмалар, V бўлимида эса сиёсий партиялар фаолиятига тааллуқли атамаларнинг изоҳли лугати ўз аксини топган.

Бундан ташқари, қўлланманинг рус тилидаги матида юқорида таъкидлаб ўтилган бўлимлар билан бир қаторда, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларининг қисий тахлили ҳамда хорижий давлатларда сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасига доир маълумотлар мавжуд.

Маълумки, 2009 йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлов бўлиб ўтди. Ана шу муҳим сиёсий тадбир арафасида тайёрланган мазкур қўлланма сиёсий партиялар фаолияти ҳамда ҳуқуқий қўллаш амалиётида муҳим аҳамиятга эгадир. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар аъзолари, сиёсатшунослар, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва кенг жамоатчилик учун яқин кўмакчи бўлиши, шубҳасиз.

**М. УСМОНОВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг  
Мудоффа ва хавфсизлик  
масалалари қўмитаси  
раиси.

Демократия принципларига таянган ҳар қандай давлат тизимига сайловлар асос бўлиб хизмат қилади. Очиқ ва демократик сайловлар ўтказиш ҳар қандай демократик жамиятнинг ажралмас белгисидир. Мамлакатимизни жадал ислас этиш ва модернизация қилишнинг янги даври — давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА САЙЛОВ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланishi бугуннинг долзарб вазифасидир.

Шуни таъкидлаш кераки, бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партияларга ижтимоий-сиёсий фаолият юриши учун етарли даражада шарт-шароитлар, шу жумладан, ҳуқуқий асослар яратиб берилган.

Гап сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсирчанлигини юксалтириш ҳақида кетар экан, Президентимиз ташаббуси билан киритилган ва Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Конун муҳим ўрин тутди.

Ушбу Конун сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришдаги ролини юксалтириш, шунингдек, сиёсий партияларнинг назорат қилиш функциясини кенгайтирди.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қонир-сиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқш ҳуқуқи берилди. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритди.

Мамлакат ва жамият ҳаётида мазкур конун, аввало, олиб борилаётган изчил ишхотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, сиёсий партияларнинг жамият ва халқ олдидаги, ҳар бир партиянинг ўз сайловлари ҳамда партия электоратлари олдидаги масъулиятини оширади.

Мазкур Конституциявий конун сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсирчанлигини юксалтиришдаги фуқароларнинг ҳуқуқий оғи ва сиёсий маданияти юксалишига ҳам хизмат қилади. Чунки, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, аввало, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишига кенг имконият, демокдир.

Мамлакатимизда кечаётган сайлов ва демократик жараёнларни дунё халқлари кенг жамоатчилиги муносиб баҳоламоқда.

Ниятимиз ҳолис, мақсадларимиз муштарак, бунёдкорлик ва истиқлол гоёси бизни бирлаштириб, ҳаммиса зағуликча чорлайди. Шунинг учун ҳам ҳар биримизнинг қалбимизда юрт равнақи, Ватан туйғуси жўш уриб турибди. Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, ўтган давр ичида эришган

ютуқларимизда ҳар биримизнинг муносиб ҳиссамиз бор деб, фахр-ифтихор туйғусига ҳаққимиз. Бу бизни янада руҳлантиради.

Жамиятда кенгадиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ўзгаришлари, ислхотларни фуқароларга етказиш ва уларда бу жараёнларга қизиқиш уюғиш, мавжуд муаммоларни бартафат этишда уларнинг ҳам иштирокини таъминлашда сиёсий

партиявийлик асосида сайланади. Шу аснода сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги вакиллиги кенгайди, бу эса сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолиятини ташкил этиши, мамлакатимизда руй бераётган ижтимоий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислхотларнинг самарали қонунчилик базасини шакллантиришдаги роли ва таъсирини янада оширади.

Мустақиллигининг дастлабки даврларидан бошлаб сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатларига сайловларни анча сезиларли равишда эркинлаштириш ва демократлаштиришга қўмақлашадиган бир қатор ўзгаришлар киритилиб келинмоқда.

Масалан, «сиёсий партиянинг ваколатли вакили» институти киритилди. Мазкур норма депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли эканлиги белгиланган. Бу бевосита давлат ва жамият ривожлангани сари сиёсий партияларнинг ҳам юксалиб бораётганлигидан далолат беради.

Сиёсий партияларнинг оқсалиши эса, албатта, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошишига хизмат қилади.

Кўни кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан камида 40 минг нафар сайловчининг имзосини тўплаган сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишларига ихозат берилди. Сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун илгари 50 минг нафар

Бир сўз билан айтганда, сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларга кенг йўл очиб берди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши таъминлашга қаратилган сайлов тизими борган сари демократлашиб, эркинлашиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистонда қурилатган демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сайловчининг имзосини тўплаши локд бўлган бўлса, эндиликда бу миқдор 40 минг этиб белгиланди. Бу ҳам сиёсий партияларга берилган кенг имкониятлардан бири.

Сайловларда ҳолисликни янада кўпроқ таъминлаш ва сайловлар очиқ бўлишининг, уларни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар ҳуқуқларини рўйба рўй чиқаришнинг қўшимча қафолларини яратиш мақсадида имзо варақаларининг тўғри тўдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Қўринадиги, сайлов қонунчилигимиз борган сари эркинлаштирилмоқда.

Сиёсий партияларнинг сайловда фаол иштирок этишлари учун кенг имкониятлардан яна бири сиёсий партияни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатта олинишнинг аввал белгиланган олти ой мuddати тўрт ой этиб белгиланганидир.

Сиёсий партияларга янада кенгрок имкониятлар бериш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда илгари «сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан» ташкил қилиниши белгиланган бўлса, эндиликда «сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда» ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Утган сайловлардан шунинг гувоҳи бўлдикки, депутатликка номзодлар билан биргаликда сайловчиларнинг йиғилишларини ўтказишда турли муаммоларга дуч келар эдик. Айтилик, номзодларнинг бир вақтда тўпана олмаслиги, кун давомида бир ёки иккита ўрнраш ўтказиш вақтдан ютказиш ва ҳоказолар. Сайлов қонунчилигимиздаги бундай ўзгариш орқали сиёсий партиялар фаоллигини бутун жараёнига янада қўлай тасир қўраштириши учун имконият юзасга келди, партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш учун шароит яратилди. Энг муҳими, бу сайловчиларга сиёсий партияларнинг сайловдаги дастурулар билан ҳар томонлама ва кенг танишиш учун қатта имконият беради.

Акрам ЖУМАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

## Кўлланма

Ушбу қўлланма тузилиши жиҳатидан кириш ва 5 бўлимдан (рус тилидаги матн 6 бўлимдан) иборат. Унинг дастлабки бўлими «Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов асарларида сиёсий партиялар фаолиятига оид қўғлар» деб номланган. Унда давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 2 ва 3 июлдаги XII қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясидаги маърузасидан то Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтилган фикрлари, гоё ва қарашлари ўрин олган.

Китобнинг «Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг шаклланиши» деб номланган иккинчи бўлимида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид маълумотлар (партия номи, ташкил топган санаси, уставининг қабул қилинган санаси, партия аъзоларининг сони, фаолиятининг асосий мақсади, бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлар сони, мутабот органлари, веб-сайти ҳамда электрон манзил кабилар) ўз аксини топган.

Учинчи бўлим «Мамлакатини модернизациялаш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари» дея юритилади. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар раҳбарларининг партия фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий

# ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

жасорати ва фидокорлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги мардлиги, мамлакатимизда барқарорликни мустаҳкамлашдаги қатъи хизматлари учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда ана шу мукофот-

лар тантанали равишда топширилди.

— Президентимизнинг ушбу Фармони нафақат муқофотланганлар, балки барча ҳамкасбларимизни қувонтирди, — дейди «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиб-и, Ички ишлар вазирлиги Тергов бос бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича қатта тирговчи Илёс Умирзоқов. — Чунки бу со-

ҳамизга бўлган юксак эътибор ва ишонч ифодасидир. Ана шу ишонч сидидилдан оқлаш ва халқимиз манфаати — тинчлиги, мамлакатимиз осойишталиги йўлида фидойийлик билан меҳнат қилиш биз, ички ишлар ходимларининг бурчидир.

Ички ишлар тизимига самарали хизмат қилаётган ходимлар, фахрийлар, давлат

ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тантанали тадбирга санъаткорларнинг байрам концерти янада кўтаринкилик бағишлади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**  
ЎзА МХББрин.  
СУРАТДА: тадбирдан  
лаваҳа.  
**Аскар ЁҚУБОВ (ЎзА)**  
олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда Ўзбекистон Савдо-санот палатаси ташаббуси билан мамлакатимиз қорхоналарига «Kaizen» бошқарув тизимини жорий этиш дастури амалга оширилмоқда. Дастур доирасида ташкил этилган семинарда республикамиз ишбилармон доира вакиллари янги усулнинг аҳамияти ва афзалликлари, унинг пировард натижалари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишди. Бунда Россиянинг «Kaizen Institute Russia» институти экспертлари яқиндан ёрдам беришди.

# «KAIZEN» — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Иккинчи босқичда, яъни шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб янги усул бир неча қорхоналарда жорий этилади.

Семинарда сўзга чиққан мутахассисларнинг таъкидлашича, аслида, «Kaizen» тамойиллари биз учун янгилик эмас, ота-боболаримиз томонидан илгари сурилган тежамкорлик, омиликорлик сингари сифатлар ўзаро уйғунлаштирилган

ва маромига етказилган тизимдир. Шу боис уни ўзлаштириш қийинчилик тўғрисида. «Kaizen»ни қўллаш эса махсулот сифатини яхшилаш, кам маблағ сарфлаган ҳолда, иш унумдорлиги ва самардорлигини оширишга хизмат қилади.

**С. РАҲМОНОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Парламент назорати доирасида ташкиллаштирилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва идораларнинг Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенциянинг Ўзбекистонда ижро этилишига доир ҳисоботлари тингланди. Уларда Конвенция ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар бажарилгани таъкидланди.

Жумладан, идораларро ишчи гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Ишчи гуруҳ томонидан 18 ёшдан кичик шахслар меҳнати таъқилангани фаолият турлари рўйхати тасдиқланди. Воёга етмаганларнинг ўта оғир шароитларда ишлаши ва бошқа турдаги меҳнат қонунчилигини бузувчи омилларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жаовбарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги конун лойиҳаси парламент муҳокамасига киритилди. Айни

пайтда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда Конвенция ижроси устидан назорат-таҳлил ишларини мунтазам амалга ошириб бормоқда.

Йиғилишда, шунингдек, бу борада конун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, Конвенция талабларини бажаришда назоратни кучайтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Бунда, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг масъулиятини кучайтириш кераклиги таъкидланди.

Мажлисида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартафат этиш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилиб, Сенат Ташқи сиёсат масалалари ҳамда Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# КОНВЕНЦИЯ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қизгин муҳокама жараёнида Тошкент вилояти ва туманлари ҳокимликлари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларига сайланган депутатлар гуруҳлари ҳамда шу соҳа доимий комиссияларининг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари етарли даражада эмаслиги айтиб ўтилди. Шу боис соҳада фан ангилликларини кенг қўллаш орқали олимлар ва фермерлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш чора-

ларини кўриш зарурлиги ўқтирилди.

Шунингдек, йиғилишда мутасадди вазирлик ва идораларга Конвенцияда белгиланган меъёрларни миллий қонунчиликка самарали уйғунлаштириш, агар ва илмий соҳадаги мутасадди ходимлар малакасини ошириш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш жараёнида Конвенция талабларига қандай риюя этилаётгани масалаларига янада кенгрок эътибор бериш юзасидан тегишли тавсиялар берилиди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маҳорати, бой меросига билдирилган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Имом Бухорий, Абдуллоқ Фихривий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари аломо ва давлат арбоблари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарлар, «Алломиш», «Авесто»-дек ёзма ва озгаки қадриятларини юбилейлари ва бошқа қўллаб-қувватлаш тадбирлар бунинг ёрқин тасдиқидир.

Кўни кеча Абу-Дабида ЮНЕСКО номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматларро қўмитасининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда халқимиз доверугини янада кенгайтиришга хизмат қиладиган муҳим воқеа руй берди — Фарғона водийси аҳолининг «Катта ашула» деган умумий ном билан аталуви дилқушо қўшиқлари ва қадимий Наврўз байраминини ЮНЕСКОнинг Репрезентатив номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш

тўғрисида қарор қабул қилинди. 193 мамлакатдан тўрт юздан зиёд вакил қатнашган сессияда дунёдаги турли халқлар маданиятига мансуб 111 қадрият кўриб чиқилди ва 76 таси фахрий рўйхатдан жой олди.

Катта ашула — ўз номи билан қатта ашула. Қўшиқчиликнинг бу анъанавий туридан шарқона шеърининг гузал оханлари уфурит туради, унда тақлид, аския, театрлаштирилган томоша белгиларини ҳам қўриш мумкин. Узига хос бир жиҳати шундаки, бу қўшиқ-

ларни ижро этишда муслиқий асбоблардан фойдаланилмайди, хонандалар овоз баландлиги ва йўналишини лиқопчалар ёрдамида бошқаради.

Наврўз нафақат янги айём, балки бутун бир янги палла — уйғониш даврини англатади. Қадимда халқимиз деҳқончилик, қорвачилик, боғдорчиликка оид муайян мавсумий ишларнинг кетма-кетлиги, узвийлиги, табиат ўзгаришлари билан уйғунлигини таъминлаш мақсадида йилнинг ҳар бир фасли, оий ва баъ-

зида ҳатто, қунини алоҳида ном билан атаган. Йилни даврга бўлиш хунарманд ва қосиблар, қурувчилар, умуман, кўп соҳалар эгалари учун ҳам фойдалий бўлган.

**Анвар БОБОВЕВ,**  
ЎзА шарҳловчиси.

# Илмий салоҳият намоиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ишда юртимиз олимлари, тадқиқотчи ва саноятчилар билан бир қаторда, Германия, Қорей, Россия, Украина, Беларусь, Қозғистон ва Қирғизистондан келган вакиллар ҳам иштирок этишди.

Тадбир Ўзбекистоннинг қатта интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини намоиш этиш, шунингдек, халқаро алоқаларни ривожлантириш, янги ишланмалар ва ихтироларни тармоқларга тўғридан-тўғри таъбиқ этиш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш баробарида илмий изланишлар ривожига инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган.

**М. ХОЛМАТОВА.**

24 соат ичида

Ахборот агентликлар тарқатаётган хабарларга қараганда, А/Н1Н1 гриппининг тарқалиш суръати яна кучайган. Жумладан, АҚШда бу борада вазият анча ёмонлашган.

Фавкуллода ҳолат эълон қилинди

Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, касалликни юқтириб олган қариб минг киши ҳалок бўлган, яна икки минг одам шифохонага ётқизилган. Шу боис Оқ уй маъмурияти худудда фавкуллода ҳолат эълон қилган.

Инқироз даврида даромад

Дунёга машҳур "Apple" компанияси жорий йилнинг учинчи чорагини яхшигина даромад билан якунлади.

Бу вақтга келиб компаниянинг "iPhone" русумли қўл телефонлари савдоси етти фоизга ошган. Натижадан "Apple" қариб 1,67 миллиард АҚШ доллари миқдорига фойда кўрди.

Шаҳар марказидаги хунрезлик

Ироқнинг Бағдод шаҳри марказида йирик кўпуровчилик ҳаракатлари содир этилди.



"Франс Пресс" берган ахборотга қўра, портлашлардан бири мамлакат Адлия вазирлиги биноси олдида, иккинчиси эса Бағдод ҳокими қароргоҳи яқинида амалга оширилган. Оқибатда 150 га яқин одам ҳаётдан кўз юмган, 500 дан ортиқ киши турли даражада тан жароҳати олган.

Ҳозирча мазкур кўпуровчиликларни бирор-бир гуруҳ ўз зиммасига олмаган.

Кенг қўламли амалиёт

Покистон Қўролли кучлари мамлакатнинг Жанубий Вазиристон музофотида жангариларга қарши кенг қўламли ҳарбий амалиёт олиб бормоқда.

Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Утган шанба кўни ҳарбийлар "Толубон" ҳаракатининг Покистондаги етакчиси Ҳакимуллоҳ Маъсуднинг Коткай шаҳридаги қароргоҳига ҳужум уюштиришган. Шунингдек, тадбир давомида Сам, Бадр ва Лаҳда қишлоқларида тозалаш ишлари олиб борилиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 17 октябрда бошланган мазкур амалиёт чоғида 160 дан ортиқ жангари йўқ қилинган.

Йўловчилар жабрланшиди

Мисрда йирик темир йўл ҳодисаси юз берди.



Ҳалокат мамлакат пойтахти Қоҳира шаҳридан тахминан 40 километр узоқликда содир бўлган. Бу ерда йўловчилар билан тўла поезд йўлда тўхтаб турган бошқасига келиб урилган. Натижадан 25 киши ҳалок бўлган. Аммо маҳаллий оммавий ахборот воситалари қурбонлар сони яна ошиши мумкинлигини маълум қилган. Фалокат сабаблари аниқ эмас.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

XXI аср инсоният тараққиётида яна бир муҳим давр бўлиб тарихдан жой олиши, шубҳасиз. Бироқ ушбу юз йилликда табиий офатлар сайёрамиз аҳолисининг энг катта таъсири сифатида ҳам намоён бўлади. Глобал иқлим ўзгариши боис ҳозирданок тез-тез юз бераётган сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, қурғоқчилик, музликларнинг эриши, обихаёт етишмовчилиги, хуллас, санаб адоғига етиб бўлмайдиган муаммолар ана шундан дарак бераётди.

Вазият жиддийлигига қарамай, саноат корхоналари томонидан атропо-муҳитга чиқарилаётган захарли моддалар ҳажмининг ҳамон юқорилиги, турли тадқиқот ва синовлар экологик инқирозни тобора жиддийроқ кўринишга олиб келмоқда. Ачинарлиси, бу ҳолат борлиқдаги мавжудотлар қатори инсониятнинг ҳам умрига завоал бўлаётди.

Санаб ўтилган табиий офатлар орасида ўрмон ёнғинлари бугун дунё жамоатчилигини ўйлантираётган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Сабаби, у ҳам иқтисодиётга, ҳам флора ва фаунага жуда катта зарар етказиб беради. Мутахассисларнинг айтишича, бу ҳодисанинг атмосферага таъсири азроол ёки иссиқхонага газ зараридан кам эмас.

Афсуски, сўнгги йилларда мазкур турдаги табиий офат кўлами анча ошди. Рақамларга эътибор беринг: Францияда йилга ўрта ҳисобда 2800 та ўрмон ёнғини кайд этилса, Германияда қариб 510 та ҳолат кузатилади. "Тилсиз ёв" Испанияда 218 минг гектар, Италияда 126 минг, Грецияда эса 48 минг гектар яшил худудни қамраб олади. Кореяда уларнинг сони 336 тага етиб, 1,39 млн. гектарга чўзилган. Мўғулистонда рўй берадиган 250 та ёнғин туйғайли 100 минг гектар ўрмон зарар кўради. Россияда бундай кўнгилсизлик тахминан 0,5-2,1 млн. гектарга чўзилган. Мўғулистонда рўй берадиган 250 та ёнғин туйғайли 100 минг гектар ўрмон зарар кўради. Россияда бундай кўнгилсизлик тахминан 0,5-2,1 млн. гектарга чўзилган. Мўғулистонда рўй берадиган 250 та ёнғин туйғайли 100 минг гектар ўрмон зарар кўради.

Талабалар, аспирантлар ва ёш олимларнинг "Геология ва ер ости бойликларини ўзлаштириш" халқаро симпозиуми, "Ўрмон ҳўжалиги бўйича Европа семинари"да мазкур муаммо кўп бор муҳокама этилган. Ёнғинларнинг келиб чикишини ўрганган Франция-

«ТИЛСИЗ ЁВ»ГА ЧОРА БОРМИ?

нинг Нанси шаҳридаги махсус ташкилот маълумотларига қараганда, яшил худудлардаги ёнғинлар сабаб жаҳон иқтисодиёти бир неча миллион доллар зарар кўради. Табиатга етказилган талафотнинг эса пул билан ўлчаб бўлмайди.

Олимлар 1959-1999 йиллар оралигида Канадада рўй берган шундай офатни ўрганиб чиққанларида, углерод миқдори йилга 27 мега-тоннага етгани, Бразилияда тропик ўрмонларнинг ёниши оқибатида эса турли зарарли газлар ҳажми бир гектар майдонда 69 тоннани ташкил этгани аниқланган.

Кейинги пайтларда ўрмон билан боғлиқ ҳодисаларнинг энг йирикларига бир эътибор қилсак. Жорий йил баҳориди Австралиянинг Виктория штати жанубида кузатишган табиий офат 171 киши ҳаётдан олиб кетди, 750 та уй вайрон бўлди, 14 мингдан зиёд хонадон электр қувватисиз қолди. 220 гектар худудни ўраб олган "тилсиз ёв"га қарши курашиш учун 6 миллион АҚШ доллари сарфлангани маълум қилинди. Куз фасли бошлариди эса Греция пойтахти Афина атрофидаги ўрмонларда кузатишган ёнғинлар туйғайли 12 минг гектар майдоннинг қули қўққа совурилди. Уни бартараф этиш ҳам осон кечмади. Бундан икки йил аввал АҚШ-

нинг Калифорния штатида қуруқ ва жазирама об-ҳаво туйғайли келиб чиққан ёнғин 14 кишининг ёстиғини қуритган, миллиондан ортиқ аҳоли вакилларини эса хавфсиз жойларга кўчиришга тўғри келганди. Ушундан 1800 га яқин уй вайрон бўлган, 81 минг гектар дарах-

нинг янгича тенденциялари ўрмон ёнғинларининг келиб чиқиш сабабларини кўпайтирмоқда. Соҳа мутахассиси Владимир Векшин шунинг назарда тутиб, "Ўрмон ёнғинлари бир неча кун, бир неча ҳафтага чўзилиши мумкин. Унинг сабабларини ёки айбдорларини



Калифорния штатида фавкуллода вазият эълон қилинишига сабаб бўлган ўрмон ёнғинларининг табиатга етказган зарари 440 мингга автомобильнинг бир йўлда атмосферага чиқарадиган захарли газлари миқдоридан ҳам кўп экан.

Бундан бир неча йил олдин америкалик тадқиқотчилар Говман ва Осборн ўрмонларда ёнғин келиб чиқиш хавфини аниқлаш тизимини таклиф қилишганди. Хусусан, улар ҳавонинг намлик даражасидан келиб чиқиб, шкालани ўлчов усулини яратишганди. Бугунги кунда ҳам дунёнинг қўлаб ўлкаларида мазкур илмий усулдан фойдаланиб келинмоқда. Лекин фан-техника тараққиёти, ривожла-

аниқлаш жуда ҳам мушкул вазиятга олиб бориляпти... Республикамиз ўрмонларининг умумий майдони 8 млн. 661,1 минг гектарни ташкил этади. Шунинг 7 млн. гектаридан ортиги, яъни қариб 87 фоизи чўл ўрмонлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси маълумотларига қараганда, мавжуд ўрмонзорларнинг 3 млн. 220,8 минг гектари қуёқ дарахтлар билан қопланган ва бундай худудлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Чунки мавжуд ўрмон ҳўжалиқларида йилга 42 минг гектар майдонда янги ўрмонлар барпо этилмоқда.

Эътиборлиси, рўтимизда ўрмонларни асраб-авайлаш борасида ҳуқуқий асослар яратилган, яшил худудларимизда юқоридаги каби салбий ҳолатлар кузатилмаслиги учун зарур чора-тадбирлар кўрилган. Жумладан, "Ўрмон тўғрисида", "Табиий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қатор меъриий ҳужжатлар, шунингдек, мазкур ҳўжатлар асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси ўрмонларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари" талабларига қатъий амал қилинаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Албатта, турли халқаро анжуманлар, конференцияларда жаҳондаги ўрмонлар ва улар билан боғлиқ муаммолар атрофида муҳокама қилиниши эътиборга сазовор. Лекин тадбирлар якунида имзо қилинган ҳўжатлар ижросини таъминлашга ҳамма жойда ҳам етарлича аҳамият қаратилмаслиги бор гап. Муаммо глобал мақомини олиб улгурган экан, унинг олдини олиш йўлида бир ёки икки давлатнинг саъй-ҳаракати кифоя қилмаслиги аниқ. Бунга биргаликда курашиш талаб этилади. Мусофиро ҳаво, гўзал табиат ва унинг бебаҳо неъматлари келгуси авлодлар учун ҳам аталганини қалбдан ҳис қилганларгина, фарзандларига уни беҳаму кўст ҳолда етказишга интилади-лар. Зеро, инсонийликнинг асл туйғуларидан бири ҳам мана шунда.

Шарҳ

ҳўжалиги тизимини янада такомиллаштириш, хавфсизлик чораларини кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди. Бугунги кунда ўрмон ёнғинларининг атроф-муҳитга таъсири, улар туйғайли иқлим шароитидаги ўзгаришларни ўрганиш бўйича Австралия, Германияда кенг қўламли изла-нишлар олиб бориляпти...

Эътиборлиси, рўтимизда ўрмонларни асраб-авайлаш борасида ҳуқуқий асослар яратилган, яшил худудларимизда юқоридаги каби салбий ҳолатлар кузатилмаслиги учун зарур чора-тадбирлар кўрилган. Жумладан, "Ўрмон тўғрисида", "Табиий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қатор меъриий ҳужжатлар, шунингдек, мазкур ҳўжатлар асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси ўрмонларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари" талабларига қатъий амал қилинаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Албатта, турли халқаро анжуманлар, конференцияларда жаҳондаги ўрмонлар ва улар билан боғлиқ муаммолар атрофида муҳокама қилиниши эътиборга сазовор. Лекин тадбирлар якунида имзо қилинган ҳўжатлар ижросини таъминлашга ҳамма жойда ҳам етарлича аҳамият қаратилмаслиги бор гап. Муаммо глобал мақомини олиб улгурган экан, унинг олдини олиш йўлида бир ёки икки давлатнинг саъй-ҳаракати кифоя қилмаслиги аниқ. Бунга биргаликда курашиш талаб этилади. Мусофиро ҳаво, гўзал табиат ва унинг бебаҳо неъматлари келгуси авлодлар учун ҳам аталганини қалбдан ҳис қилганларгина, фарзандларига уни беҳаму кўст ҳолда етказишга интилади-лар. Зеро, инсонийликнинг асл туйғуларидан бири ҳам мана шунда.

Санджон МАХСУМОВ.

Сирдарё томонларда

Гулистонда "Воҳидов ўқилари - 2009" XIV Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Жарроҳлар тажриба алмашдилар

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 240 нафардан зиёд малакали мутахассислар, жарроҳлар билан бир қаторда, Россия ҳамда қозғистонлик олимлар ҳам иштирок этишди.

Анжуман қатнашчилари жарроҳлик соҳасидаги долзарб услубийлар бўйича фикр алмашдилар.

Ўзбекистон олимлари билан илмий-амалий ҳамкорлик фаолиятимизда яхши самара беряпти, — дейди Санкт-Петербургда келган профессор С. Қозлов. — Бизда эхиноккоккоз касалликлари, уни даволаш ва асоратларнинг олдини олиш борасида катта амалий тажриба тўпланган. Тадбир давомида ўз тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик, шунингдек, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз ютуқлари билан ҳам танишдик.

Янги зиё маскани

Гулистонда зиё масканлари сони яна биттага кўпайди.

"Соғлом авлод учун" халқаро жамағатининг вилоят бўлими биносида жойлашган ушбу кутубхонада ўқув залидан ташқари, компьютер, интернет, факс, нусха кўчириш хизматларидан ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Айни пайтда китоблар сотиб олиш учун жамағат томонидан 6 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ш. ХОЛМУРОВОВ.

ҚИР БАҒРИДАГИ ҚОШОНА

Янгиқўрғон туманининг қир-адирликлари бағрида жойлашган Бирлашкан қишлоқда 30 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда битта коллеж, 9 та мактаб, 6 та болалар богчаси ва шифохона фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли, асосан, богдорчилик, сабзавотчилик ва узумчилик билан шугулланади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда қишлоқ маркази янада кўркамлашди. Бир қанча маданий-مائийш ва савдо шохобчалари ишга туширилди. Айниқса, шу йилнинг май ойи охирида янги "Супермаркет" дўконининг фойдаланишга топширилгани унинг ҳуснига ҳусн қўшди.

Гап шундаки, мазкур "Супермаркет" катта йўл ёқасида бунёд этилган. Олди ойнаванд, замонавий кўринишдаги бу муҳташам бино даров киши эътиборини ўзига тортади. Ундан гилам, телевизор ва бошқа рўзгор буюмларини харид қилиб чиқаётган кишиларга кўзимиз тушди. Биз ичкарига қадам қўйганимизда ўзимизни бамисоли ярмарка майдонига кириб қолгандай ҳис этдик. Чор-атроф шина ва озода. Залда замонавий савдо жиҳозлари тартиб билан ўрнатилган. Унг томондаги пештакталарга турли озиқ-овқат ва қандолатчилик маҳсулотлари қадокланган пакетлар териб қўйилган бўлса, нон маҳсулотлари усти ойнаванд шаклларда сақланмоқда. Иккинчи томонда турли ичимлик ва канцелярия маҳсулотлари, атир-ўпа буюмлари, ўқув қуроллари, чап томонда эса кийим-кечак, пойабзал, телевизор, совуқтук ва мебеллар жойлаштирилган. Сотувчи Усмонжон Мамажонов миқозлар томонидан тақдим этилган пластик қарточкаларни бу ердаги мавжуд терминалга киритиш орқали савдо қилиш билан банд.

— "Супермаркет"имизда, асосан, пластик қарточкалар

орқали савдо қилинади, — дея изох берди дўкон мудири Тоҳиржон Мажидов. — Янги усулда кунига савдодан қанча тушум тушаяпти? — 350-400 минг сўмдан зиёд. Бу ойига 20 миллион

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти йили

сўмни ташкил этади. — Ушбу миқдор сизларни қониқтирадими? — Албатта. Биласиз, кейинги пайтларда пластик қарточка кенг расм бўлди. Раҳбариятимиз шунинг ҳисобига олиб, пластик қарточка билан савдо қилувчи мазкур шохобчани бизга очиб берди.

— Қишлоқимизда нақд пул орқали савдо қилладиган хусусий дўконлар кўп, — дея сўхбатга қўшилиди кекса отанон Абдували Ҳошимирзаев. — Иш ҳақини пластик қарточкада олган кишилар шу дўконнинг очилганидан мамнун.

Энди мана бу далилларга эътибор беринг. Дўконнинг умумий майдони 300 квадрат метрни, савдо зали эса 200 квадрат метрни ташкил этади. Шунча майдони турли

озик-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат моллари билан тўдиришниннг ўзи бўладими? Устига устак, қишлоқ қир-адирлар бағрида жойлашган бўлса, буларнинг бари қайқдан келтирилмоқда?

Айтишларича, барча маҳсулотлар шартнома асосида вилоят ва пойтахтдаги ишлаб чиқариш корхоналаридан олиб келинмоқда. Масалан, нон ва макарон маҳсулотлари "Янгиқўрғонсавдо" МЧЖ, шоколад, қанд, вайди, печене сингари ширинликлар Тошкентдаги "Еш футболчи" ҳамда "Зебинисона" корхоналари томонидан етказиб берилаётган бўлса, Олмаликдаги "Поёндон" қўша корхонасидан гилам ва палос маҳсулотлари олинмоқда. Намангандаги "Дамбоғ пойабзали" хусусий корхонаси

Зеро, мақсадимиз битта: барча дўконларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларнинг етарли бўлишини ва уларга сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлашдир.

Эркин ҚАМБАРОВ, журналист.

Интилиш

Тойлоқ туманидаги "Адаг агро инвест" Ўзбекистон — Буюк Британия қўша корхонаси ўтган йили ишлаб чиқарган маҳсулотларини четга экспорт қилиб, 1 миллион сўм фойда олишга муваффақ бўлган эди.

ЭКСПОРТДАН МИЛИАРДЛАБ ФойДА

Жорий йилда қасб кўрсаткичи эриб икки баробарга ортиши кутуляпти. Эллик киши меҳнат қилаётган ушбу корхона бир мавсумда 10 минг тонна узумнинг қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирга қадар соҳибкорлардан қабул қилиб олинган 7 минг тоннадан ортиқ узум қайта ишланди. Маҳсулотнинг асосий қисми хориқлик истеъмолчиларга етказиб берилди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТРАНСАЭРО ЯНГИЛИГИ

ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ ҚУЙДАГИ ШАҲАРЛАРГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР:

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, КРАСНОДАР, ХАБАРОВСК, ЮЖНО-САХАЛИНСК, ВЛАДИВОСТОК, ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ

ТОШКЕНТ — МОСКВА

Янги «Боинг-737-800 Next Generation» самолётида

ТАЛАБАЛАРГА МАХСУС ТАКЛИФ:

ГЕРМАНИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, КИПР, ЭШТААР УЧУН ЙИЛАИК ТАРИФ

\* ТУАНИК МАЪЛУМОТЛАРНИ АВВАМЧИТТА СОТУВЧИ АГЕНТЛАРДАН ОЛНИШ МУМКИН.

Тел.: 227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.



Аккредитация сертификати № 210. www.transaero.ru

Advertisement for Zавод ТТМЗ, featuring a crane (КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А) and a truck (АВТОКРАНЫ). It lists technical specifications and contact information for the factory.

Advertisement for «TURON TEX» МЧЖ, offering clothing services like tailoring and fabric selection. It includes contact details and a list of services.

Advertisement for «TURANGARMENTS» МЧЖ, specializing in sportswear and clothing. It features images of clothing items and contact information.

**М**устақиллик даври ўз қадриятларини яратяпти ва яратишда давом этмоқда. Янги давр дунёқараш, фикри, гоёлари, эътиқоди ва орзу-интилишларини ўзда муҳассам этган моддий ва маънавий шакллардаги қадриятларини нафақат пойтахтимизда, балки бошқа шаҳарларимизда, мамлакатимизнинг барча узоқ ва яқин худудларида учратамиз.

Қадрият

# ХАЛҚ ЖАСОРАТИНИНГ ИФОДАСИ

Куйида биз уларнинг атиги биттаси тўғрисида муштарийларимизга ҳикоя қилмоқчимиз. Бу — Қарши шаҳридаги серманзара, кенг ва мафтункор Мустақиллик майдонининг марказида, унинг баланд саҳнида қад ростлаб турган "Эл-юрт таянчи" монументидир.

дан, айнан давлатимиз раҳбарининг тақлифига биноан ушбу монументал асар "Эл-юрт таянчи" деб аталди.

Иўлбошимиз ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида ҳозир бўлган ватандошларимиз ва чет эллик меҳмонларга шундай дедилар:

— Бир ўйлаб қрайлик, бу-

асарга боқиб, уни миллий ўзбек оиласининг мардлиги, тантилиги, матонатига битилган дoston, дегинг келад. Унинг ҳар чизгиси халқ тарихининг улуг ва эзгу ҳақиқатларини куйлайди. Ҳайкалга бир умумий назар ташлайлик. Ана, унинг пойида баҳабат тегирмон тоши ястаниб ётибди. У бамисоли ҳаёт гардиши каби шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини англатади. Тегирмон тоши узра эса ота-она, ўғил ва қиз — тўрт кишидан иборат оила аъзолари қад ростлаб турибди. Қизалоқ онасининг линжига тикилиб олган, ёвуқ ўғил эса ота ёнида ундаг елкадош, мададкор бўлиб турибди. Уларнинг бундай алфозда туришини кузатиб, бу оила аъзолари ҳар қандай яхши-ёмон, иссиқ-совуқ кунларда бир-бирига таянч, ҳамкор ва мададкор эканлигини, улар тегирмон тошидай айланиб, ўзгариб турган замонларнинг барча сингиларига матонат билан бардош бериб, энгиб келганликларини беҳитиб кўнглимизнинг ич-ичидан сезамиз.

"Эл-юрт таянчи" ҳайкали катта ва олжаноб ҳақиқатни, ҳаёт ва тараққиёт негизи ҳисобланган кудратли омилини — меҳнаткаш, танти, ҳалол ўзбек оиласини ва халқимизнинг юксак инсоний сифатларини шарафлайди. Бу ҳақиқий бадий қадриятдир. Ва бундай қадриятлар бугун ва келажак авлодлар учун ҳам эъзозли бўлиб қолаверадди.

Михли САФАРОВ.



гун мамлакатимиз микёсида кенг нишонланаётган сана, қадимда Насаф деб ном олган, ҳозирги навқирон Президент Ислам Каримов иштирок этиб, нутқ сўзладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, Ўртбошимизнинг бу ёдгорлик мажмуаси тўғрисидаги хизматлари улкан аҳамиятга эга. Ушбу маҳабатли ҳайкалтарошлик композицияси бир оила тимсолида бугун ўзбек халқининг бетакор тарихий-миллий қиёфасини тирик ва таъсирчан маъноларда гавдалантиради. Ёдгорликнинг айнан шундай шакл-шамойилда бўлиши ва унинг қиёфасида ўз муҳассамини топган эзгу ва улкан гоёвий-бадий асос Ўртбошимизга тааллуқлидир. Иккинчи-

Дарҳақиқат, монументал

# ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА. НАВБАТ НАТИЖАГА

30 октябрь — 8 ноябрь кунлари Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда қитъамизнинг қирқдан ошқ мамлакат вакиллари йигирма икки спорт тури бўйича ўзаро куч синашадилар.

Ўқтам Бобоев (73 кг.), Шароф Холмаатов (81 кг.), қизлар Баҳсида Гуллола Норқулова (57 кг.), Наргиза Хамдамова

римиз ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари тарихида биринчи олтин медални қўлга киритишган, икки йилдан сўнг Макоода бронза медал билан тақдирланган эди.

Шунингдек, энгил атлетика ва сузиг бўйича терма жамоамиз аъзоларидан ҳам яхши натижалар кутсақ бўлади. Бундай дейишимизга асослар етарли. Уларнинг аксарияти нуфузли мусобақаларда тажриба тўплаган. Энгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Валерия Канатова, Осиёнинг энг кучли спринтерларидан бири Гузал

Хуббиевадан бу гал ҳам умид катта.

III Осиё ўйинлари дастуридан жой олган муайтай, кикбоксинг, пенчак-силат бўйича терма жамоамиз тарихдорли спортчиларимиз жалб этилган. Масалан, муайтайчилар Мавлонбек Қаҳҳоров ва Фирдавс Холмуродов икки йил муқаддам Макоода давлатида утган ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида шохсупанинг юқори поғонасидан жой олишган эди.

Шунингдек, шахмат, компьютер ўйинлари, боулинг ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақаларда катнашадиган вакилларимиз ҳам беллашуларда муносиб иштирок этиш учун бор имкониятларини ишга солишлариغا ишонамиз.

Ўзбекистон спорт делегацияси бугун Вьетнамга жўнаб кетади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



(63 кг.) лар юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Ҳозирда қитъамизнинг энг кучли терма жамоаларидан ҳисобланган футболчи қизлар-

Светлана Радзивил, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Валерия Канатова, Осиёнинг энг кучли спринтерларидан бири Гузал

# ШОҲСУПА САРИ ЙЎЛ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спорт равнақиға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, имконияти чекланган болаларни спортга жалб этиш, улар соғлигини тиклаш ва бу тоифадагилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари ҳам доимий диққат марказида.

— Мусобақалар орқали ёш истеъдод эгаларини кашф этаямиз, — дейди Ўзбекистон миллий Паралимпия ассоциацияси Бухоро вилояти бўлими раҳбари Бобур Каримов. — Асосий мақсадимиз — имконияти чекланган болалар ўзларини жамиятда бошқалар каби тенг ҳуқуқли эканликларини ҳис этишиш.

Бекзод Хўжаев ана шундай истеъдодлардан биридир. У шу йилнинг ёзида Америка Қўшма Штатларида ногирон спортчилар ўртасида ўтказилган Бутунжаҳон ёшлари ва талабалари ўйинларида бронза медалини қўлга киритганди. Бухоро шаҳри-

даги 24-максус кўзи оғиз болалар мактаб-интернатида сабоқ олган бу ёш энгил атлетикачи сентябрь ойида жисмоний имконияти чекланган спортчилар ўртасида Японияда ташкил этилган Осиё ёшлар ўйинларида бир эмас, иккита олтин медални қўлга киритди. У даставвал 200 метрга югуришда 25 сония натижа кайд этиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди. Узунликка сакраш мусобақаларида эса асосий рақиблари саналган Япония, Хитой, Таиланд вакиллари ортида қолдириб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

— Фалабам шарафига давлатимиз

мадҳияси янраган пайтдаги ҳолатини сўз билан ифодалашим мумкин, — дейди айни дамда Бухоро давлат университетининг ижтимоий-гуманитар факультети биринчи курсида таҳсил олаётган Бекзод. — Ота-онам, устозларимдан миннатдорман. Биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз, аёло ўқишимиз учун барча қулайликларни яратиб берган Ўртбошимизга раҳмат.

Айтиш жоизки, кунчиқар юрда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Бекзоднинг бухоролик жамоадoshi Музаффар Ражабов ва Ойбек Бозоров ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Музаффар 100 метрга югуришда олтин медал соҳиби бўлди. Ойбек эса 200 метрга югуришда иккинчи, 100 метр масофада учинчи натижани кайд этди.

Шу кунга қадар вилоятдаги 800 нафарга яқин жисмоний имконияти чекланган ўғил-қиз ассоциация томонидан ташкил этилган мусобақаларда иштирок этди. Республика ва халқаро миқёсдаги турнирларда катнашадиган ёшлар олти нафар мураббий кўл остида машғулотлар ўтказишди. Улар учун "Бухоро" стадионида барча қулайликлар яратиб берилган. Саломатликлари шифокорлар назоратида.

— 2010 йилда Хитойда бўладиган Осиё чемпионатида тайёргарлик қуралмиш, — дейди Бекзод Хўжаев. — Бу чемпионатда муваффақиятли катнашиш орқали 2012 йилда Лондонда ўтказиладиган Паралимпия ўйинлари йўланмасини қўлга киритмоқчиман. Спортда, хусусан, энгил атлетикада сониялар муҳим роль ўйнайди. Сонияларни қувончи лаҳзаларга айлантириш учун бор кучини ишга соламиз.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ОБ-ҲАВО (27 октябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 2-7 даража илқ, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сурдаё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража илқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража илқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 3-8 даража илқ, кундузи 15-20 даража илқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Тунда 2-7 даража илқ, кундузи 15-20 даража илқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 5-7 даража илқ, кундузи 15-17 даража илқ бўлади.

**«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

# «Ўзбекэнерго» ДАК «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадидаги такрорий танловда иштирок этиш учун тақлиф этади.

**Танлов номи** — Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғиш вазифаларини бажарадиган хусусий инвестор операторлар танловини ташкил этиш.

**Танлов ўтказишнинг асосий шартлари:** танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва хусусий операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Хусусий операторга тақлиф этилаётган фаолият ҳудуди:** Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри.

**Танлов ташкилотчиси** — «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ.

**Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:**

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қилинган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида баҳарлиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

**Дастлабки малака аниқлаш ҳамда танлов ўтказиш жойи ва муддатлари:** Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй, Шарқий магистраль электр тармоқларининг мажлис залли. Малакавий аниқлаш оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб аризаларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар давом этади.

**Аризаларни қабул қилиш муддати** — 2009 йил 27 ноябрь соат 17.00 гача.

**Танлов ўтказиш муддати** — 2009 йил 30 ноябрь соат 14.00 да.

**Дастлабки малака аниқлашдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчиси куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:**

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
  - давлат рўйхатига олиш идорасининг инвесторни қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
  - тегишли давлат рўйхатига олиш идоралари томонидан инвесторнинг юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низом ва таъсис ҳужжатлари;
  - инвесторнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармаларига қарздор эмаслигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳамда ваколатли банкнинг танлов эълон қилинган даврда инвесторнинг бирламчи ва иккиламчи рақамлар асосида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотноманинг асл нусхаси;
  - инвесторнинг «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан берилган маълумотнома;
  - инвесторнинг ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланилган электр энергияси учун қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома.
- Куйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:**
- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатларда тақдим этмаган;

- тугатиш ёки банкротлик босқичидаги;
- танлов эълон қилинишидан бир йилдан кам бўлган муддатда таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш учун инвесторлар ўтказиладиган танлов доирасида олинган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисидаги шартномани имзолайдилар ва «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖнинг максус ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказдилар: «Узсаноатқурилишбанк»нинг Фарғона бўлими ҳисоб рақами: 22604000800215289021, МҒО: 00494, СТИР: 200144930, ОКОНХ: 11170.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖга сўров билан мурожаат этишлари мумкин.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-«А» уй.**

**Мурожаат учун телефонлар:** (8-373) 223-38-47, 224-54-00, 223-29-01.

Танлов ҳужжатлари учун тўлов танлов эълон қилинган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан, гаров суммаси эса — энг кам ойлик иш ҳақининг минг баробари миқдоридан белгиланган.

Танлов ҳужжатлари олиш учун учинчи шахсининг тўловни амалга ошириши таққиланади.

Танлов иштирокчилари танлов комиссиясига маълумот олиш учун (шанба ва қиянбадан ташқари) ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача танлов тақлифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар мурожаат қилишлари мумкин.

# Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 903. 32373 нухсда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибят 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўзёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Тижорат материали

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов.  
Навбатчи — З. Жонибоев.  
Мусахххх — Ш. Машраббоев.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 00.30 1 2 3 5